

КОРПОРАТИВ ТИЗИМЛАРДА РАҚАМЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Қўчқоров Улугбек Тохирович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил илмий изланувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19942125>

Жаҳон иқтисодиётида рақамли трансформация жараёнларининг жадаллашуви корпоратив бошқарув тизимларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Рақамлаштириш нафақат ахборот технологияларини жорий этиш, балки бизнес жараёнларини оптималлаштириш, қарор қабул қилиш самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошликни таъминлашнинг муҳим омилига айланмоқда. Шу нуқтаи назардан, корпоратив тизимларда рақамлаштиришни такомиллаштириш масаласи илмий ва амалий жиҳатдан долзарб аҳамият касб этади.

Замонавий корпоратив тузилмаларда маълумотлар ҳажмининг кескин ортиши, бозор муҳитининг динамиклиги ҳамда мижозлар талабларининг ўзгарувчанлиги рақамли ечимларни самарали қўллашни талаб қилмоқда. Бу эса ўз навбатида рақамли платформалар, сунъий интеллект, катта маълумотлар (Big Data) ва булутли технологиялардан фойдаланишни кенгайтиришни тақозо этади.

Асосий қисм

Рақамлаштириш тушунчаси илмий адабиётларда турлича талқин этилади. Умуман олганда, рақамлаштириш – бу ахборотни рақамли шаклга ўтказиш ва уни қайта ишлаш орқали бизнес жараёнларини самарали ташкил этиш жараёнидир. Рақамли трансформация эса бундан кенгроқ тушунча бўлиб, у ташкилотнинг стратегик, ташкилий ва технологик жиҳатларини ўзгартиришни қамраб олади.

Замоновий илмий тадқиқотларда корпоратив рақамлаштиришнинг бир нечта асосий моделлари ажратиб кўрсатилади:

- технологик ёндашув (IT-инфратузилмани модернизация қилиш);
- жараёнли ёндашув (бизнес жараёнларни рақамлаштириш);
- стратегик ёндашув (рақамли стратегияларни ишлаб чиқиш);
- инновацион ёндашув (янги рақамли маҳсулот ва хизматларни яратиш).

Гарвард университети профессори Майкл Портернинг рақобат устунлиги назарияси доирасида рақамлаштириш корхоналарга қиймат занжирини оптималлаштириш имконини беради. Шу билан бирга, динамик қобилиятлар назариясига кўра, ташкилотлар рақамли муҳитда тез мослаша олиш қобилиятига эга бўлиши лозим¹.

¹ Майкл Портер. Конкурентная стратегия:Методика анализа отраслей конкурентов. ISBN: 978-5-9614-2956-5. Год издания: 2020., 453 страниц.



Корпоратив тизимларда рақамлаштириш қуйидаги устунликларни таъминлайди:

1. Бошқарув самарадорлигини ошириш – реал вақт режимида маълумотларга асосланган қарор қабул қилиш имконияти.
2. Харажатларни камайтириш – автоматлаштириш ва рақамлаштириш орқали инсон омили таъсирини қисқартириш.
3. Шаффофликни таъминлаш – молиявий ва операцион жараёнларни назорат қилиш имконияти.
4. Мижозларга йўналтирилганлик – хизматларни индивидуаллаштириш.
5. Рақобатбардошликни ошириш – инновацион маҳсулотлар орқали устунликка эришиш.

Айниқса, корпоратив ахборот тизимлари (ERP, CRM, BI) рақамлаштиришнинг асосий инструментлари сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу тизимлар маълумотларни интеграция қилиш, таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнайди. Корпоратив тизимларда рақамлаштиришни такомиллаштириш бир нечта устувор йўналишларни қамраб олади ва улар қуйидагилардан иборат:

1. Ахборот инфратузилмасини модернизация қилиш

Замонавий корпоратив тизимлар юқори ишончлилик ва хавфсизликка эга бўлган IT-инфратузилмани талаб қилади. Булутли технологиялардан фойдаланиш, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

2. Маълумотларни бошқариш тизимларини ривожлантириш

Big Data технологиялари орқали катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш корпоратив қарорлар сифатини оширади. Бу жараёнда маълумотлар сифатини таъминлаш, уларни тўғри тузилмалаштириш ва аналитик платформалардан фойдаланиш муҳимдир.

3. Бизнес жараёнларни рақамлаштириш

Автоматлаштириш ва роботлаштириш (RPA) орқали такрорланувчи жараёнларни оптималлаштириш мумкин. Бу эса вақт ва ресурсларни тежашга хизмат қилади.

4. Кадрлар салоҳиятини ошириш

Рақамли трансформация инсон капитали билан бевосита боғлиқ. Ходимларнинг рақамли кўникмаларини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва доимий ўқитиш муҳим ҳисобланади.

5. Киберхавфсизликни таъминлаш

Рақамлаштириш жараёнида ахборот хавфсизлиги масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Киберҳужумлардан ҳимоя қилиш, маълумотларни шифрлаш ва хавфсизлик сиёсатларини жорий этиш зарур.

Ривожланган давлатларда корпоратив рақамлаштириш юқори даражада амалга оширилмоқда. Масалан, Европа Иттифоқи давлатларида “Digital Europe” дастури доирасида рақамли инфратузилмаларни



ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. АҚШ ва Япония каби давлатларда сунъий интеллект ва машинали ўқитиш технологиялари корпоратив бошқарувга кенг жорий этилган. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш ва прогнозлаш имкониятларини кенгайтirmoқда. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, рақамлаштириш даражаси юқори бўлган компанияларда меҳнат унумдорлиги ва молиявий натижалар анча юқори бўлади. Шу билан бирга, рақамли трансформация жараёни босқичма-босқич амалга оширилиши лозимлиги таъкидланади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Корпоратив секторда ҳам рақамлаштириш жараёнлари фаоллашмоқда. Айниқса, банк тизими, телекоммуникация ва саноат соҳаларида рақамли технологиялар кенг жорий этилмоқда. Бироқ бу соҳада баъзи бир муаммолар мавжуд:

- ИТ-инфратузилмаларнинг етарлича ривожланмаганлиги;
- малакали кадрлар етишмаслиги;
- маълумотлар интеграциясининг паст даражаси;
- рақамли маданиятнинг етарли эмаслиги.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини кучайтириш муҳим ҳисобланади.

Корпоратив тизимларда рақамлаштиришни такомиллаштириш учун қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- Рақамли трансформация стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
- Корпоратив ахборот тизимларини интеграция қилиш.
- Big Data ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш.
- Ходимларнинг рақамли компетенцияларини ошириш.
- Киберхавфсизлик тизимларини такомиллаштириш.
- Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш.

Хулоса

Корпоратив тизимларда рақамлаштиришни такомиллаштириш замонавий иқтисодиётнинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Ушбу жараён корхоналарнинг самарадорлигини ошириш, рақобатбардошлигини кучайтириш ва инновацион ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, рақамли трансформация комплекс ёндашувни талаб қилади ва у технологик, ташкилий ҳамда инсон омилларини ўз ичига олади. Шу сабабли, корпоратив тизимларда рақамлаштиришни самарали амалга ошириш учун стратегик режалаштириш ва тизимли ислохотлар зарур.

